

Олтиариқ тумани аҳолисига туман ҳокими Турдалиев Шамсиддин Асқаралиевичнинг муурожаати

Ассалому алайкум азизюртдошлар! Маълумки, ҳозирги кунда Республикаимизнинг барча ҳудудларига Россиянинг Вольга бўйиминтақаларидан совуқ оқим кириб келиши натижасида ўлкамизда ҳам аномал даражада хаво хароратининг кескин пасайиб кетиши кузатилмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида, коммунал соҳаларда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, табиий газ таъминотида босим пасайиши кузатилмоқда. Шу сабабли республикаимиз бўйича барча автомобилларга газ тўлдириш компрессор шаҳобчаларининг фаолияти қисқа муддатга, вақтинча тўхтатилади. Аҳолидан имкон қадар жамоат транспортларидан фойдаланиш тавсия этилади. Транспорт воситаларининг ёнилғи эҳтиёжини таъминлаш мақсадида барча ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида АИ-80 бензинларини арзонлаштирилган нархларда сотилиши таъминланади. Нархларнинг сунъий ошиб кетишини олдини олиш бўйича қатъий назорат ўрнатилган. Табиий газни аҳоли хонадонлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларига, шифохоналар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига етказиб бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, табиий газ тармоғига уланмаган аҳоли хонадонларига маҳалла фуқаролар йиғини раислари масъуллигида кўмир ёқилғиси етказиб бериш чоралари кўрилади. Ҳозирги кунга қадар аҳолига 9586 тонна, шунингдек, 12 январ кунининг ўзида 72 тонна кўмир ёқилғиси етказиб берилди. Кўриниб турибдики, бу масалада ҳеч қандай муаммо юзага келмайди. Олтиариқ кўмир омборида аҳоли эҳтиёжи учун етарли миқдорда кўмир захираси яратилган. Бундан ташқари аҳолига 12 январ кунини 15 тонна, қиш мавсумида 752 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Баллонли газ билан таъминлаш жадвали 30-35 кундан ошмаслик чоралари кўрилган. Мавсумни беталофат ўтказиш бўйича туман ИИБда барча коммунал ва хизмат кўрсатувчи соҳа масъулларидан иборат штабташқил этилган бўлиб, куну-тун фаолият юритилмоқда. Юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилишини кафолатлайман. Азиз юрдошлар, Сизлардан ноқулай об-хаво шароитида яшаш хонадонингиздаги газ ва электр иситиш анжомларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш; Иситиш анжомларини назорат қилиб туриш, хонада газ хиди сезилганда электр жиҳозларини ёқмаслик, хонани шамоллатиш чораларини кўриш, фавқулодда вазиятлар, жумладан ис газидан заҳарланиш каби нохуш ҳолатларни олдини олишда ўз хушёрлигингиз билан ҳисса қўшишингизни сўрайман. Ёнғин ёки бошқа фавқулодда вазиятлар содир бўлганда зудлик билан 101 рақамга ёки туман куз-қиш штабининг 73 432 16 02 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз сўралади. Ўзингиз ва оила аъзоларингиз саломатлигига эътиборсиз бўлманг! Эътиборингиз учун раҳмат!



2023-01-16 12:31:12